

ЎЗБЕК МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИДА ВОРИСИЙЛИК МАСАЛАСИГА ДОИР

Н.Н.Нарзиев*

Бугунги кўп маданиятлар тўқнаш келаётган даврда ўз маданиятларини сақлаб қолишга бўлаётган уринишлар ривожланаётган давлатларнинг провард мадсадларига айланган. Этнослик назариясига кўра, ўзликни англаш ва миллат бўлиб шаклланишда миллий маданиятларга эътибор ҳамда уларга ворисийлик муносабатида бўлиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу билан халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш имконияти юқоридир. Бу тажрибани япон, корейс халқлари мисолида кўпроқ кузатишимиз мумкин.

Табиий равишда халқларнинг муомала маданиятларида ҳам умумийлик ва ўзига хослик мавжуддир. Айнан шу “ўзига хослик” этносларнинг маросимларида, кундалик турмуш билан боғлиқ одатлар ва анъаналарида сақланиб қолмоқда. Шунингдек, турли инновациялар таъсирида трансформацияларга учраш жараёнини бошидан ўтказмоқда. Бундай инновациялар ўзининг ижобий томонлари билан бирга, турли таҳдидларни кириб келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Буларни биз таълим-тарбия муассасалари, жамоавий ва оилавий муносабатларда кузатишимиз мумкин. Бундай таҳдидларга қарши курашишда халқимизнинг “ўзига хослик” жиҳатларига нисбатан “ворисийлик” асосида ёндашиш айнан зарурат эканлигини англамоғимиз зарур.

Инсониятнинг ижтимоий ҳаёти тараққиётида ворисийликнинг моҳияти ва роли муаммоси ҳар доим тадқиқотчиларни эътиборини ўзига жалб этиб келган. Кўпгина ижтимоий адабиётларда Э.А.Баллер томонидан берилган “ворисийлик” тушунчасининг таърифи кенгроқ тарқалган. “Ворисийлик, деб ёзади у, - моҳиятини бутуннинг у ёки бу унсурларини тизим сифатида сақлаган ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтган вақтда борлиқнинг ҳам, билишнинг ҳам турли босқичлари ва даражалари орасидаги алоқалар

* ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим изланувчиси

мажмуасидир. Ўтмишни келажак билан боғлаб, шу билан ворисийлик бутуннинг барқарорлигини таъминлайди”.[1] Шундай экан ворисийлик – тараққиёт босқичларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаб, инсоният ҳаётида объектив қонуният ҳисобланади.

Ворисийликсиз тараққиётнинг эскидан янгига, қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга ўтиш мумкин эмас. Ворисийлик ўрганилаётган ҳодисаларни тартибга солишдаги тамоиллардан бири сифатида майдонга чиқади, назарий изланишларга маълум йўналиш беради ва ўзининг бу вазифасини тарихшуносликдаги танқидий ва ўзаро алоқадорлиги англаган ҳолдагина бажариши мумкин. Тарихий ворисийликнинг моҳияти ва ўзига хослигини очиб, баъзи муаллифлар “ворисийлик” ва “мерос” тушунчаларини ажратиш зарур деб ҳисоблайдилар. А.О.Стернин фикрига кўра “мерос” тушунчаси “ворисийлик” тушунчасига кўра кенгроқдир. У айтадики, “ворисийлик деганда, эскининг янгига зарур бўлган, унга қарши бўлмаган унсурларини сақлаб қолишини тушуниш зарур”.[2] Демак, унинг фикрича, ворисийлик фақатгина янгича маданиятлар учун зарур бўлган ва улар билан яшаб кета оладиган, танқидга учрамайдиган одатлар мажмуидир. Бизнингча, бу фикр бироз баҳсли бўлиб, кўплаб халқларда шундай одатлар борки, улар айрим новацияларга қарши тура олади.

Ворисийликни биз анъанавий моддий маданият ва унинг тараққиёти, фойдаланиш тартиби, уларга бўлган муносабатларда ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, анъанавий хўжалик муносабатларида ҳам бу яққол кўзга ташланади. Инсоният тарихий тараққиётининг бир босқичдан иккинчисига кўтарилар экан, у ўз маданиятининг янгидан яратмайди, балки илгари эришилган натижаларга таянади.

В.К. Чалоян ўзининг “Шарқ-Ғарб ” номли китобида Шарқ, Кавказ, Византия, Эрон, Араб цивилизацияси томонидан яратилган ютуқлар Ғарб бойлиги бўлди. Ғарб ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда юқори даражага кўтаришга эришиб, Шарқ мероси тараққиёти Ғарбнинг фикрий қарашларини янгича томонга йўналтирди. Ғарб Уйғониши Шарқ

Уйғонишининг янги, юқори даражадаги давомидир. Жаҳон маданиятидаги ворисийлик ана шундан иборат.[3] Ҳозирги замон тараққиёт назарияларида бу каби ёндашишлар тўла ўзини оқламасдан, Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам бир-биридан мустасно қилмайдиган, яъни ворисийлик йўли гоҳо ғарбдан шарққа, ёки шарқдан ғарбга борган ва худди шу ворисийлик асосида инсоният тараққиёти ҳамда маданиятлар ривожини амалга оширганлиги таъкидланмоқда.

Бизнинг фикримизча, ворисийлик, бу ривожланишнинг турли даражалари ва турли унсурлари ўртасидаги шундай алоқадирки, яъни ўзига хос маданиятларнинг тузилиши ва мазмуни учун зарур белгиларни сақлашни тامينлайди. Айни ҳолатдаги зарурлик бу шундай “эскилик”дирки, яъни бу янги шароитлар учун фойдалидир. Бу инсонлар ўртасидаги муносабатларда ҳам кўзга ташланадигани, бусиз мулоқотдаги шу жараённинг худди ривожланиш шакли сифатида мавжуд бўлиши, ривожланиш учун шарт-шароит яратилиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, ворисийлик ўзаро мулоқот этикетларининг моҳиятини очиқ берувчи асосий категориядир. Шунингдек, инсонлар мулоқотида кечадиган турли хил ўзгаришлар шаклининг зарурий шартини ҳам ҳисобланади.

Маданиятлар тараққиётидаги ворисийлик масаласи хусусида фикр юритар эканмиз, кўпчилик уни маданий мерос тушунчаси билан бир қаторда кўришади. Маданий мерос тушунчаси ворисийлик тушунчаси билан жуда яқин алоқада бўлсада, лекин у икки хил томондан фарқ қилади:

1) Ворисийлик – тушунчаси умумфалсафий категориядир. Шу сабабли у истисносиз барча ижтимоий, табиий фанлар учун методологик аҳамиятга эга. Маданий мерос категорияси эса фақат маданият ва ҳатто, маънавий-маданият соҳасида рўй берадиган ҳодисаларга нисбатан ишлатилади.

2) Ворисийлик тушунчаси ҳодисаларни объектив алоқасини ифода қилади. Маданий мерос тушунчаси ворисийлик қонуниятларини ўтмиш авлодлардан қолган маданий қадриятларни танқидий баҳолаш кўринишида ва улардан ижодий фойдаланиш тарзида намоён бўлади. Илмий адабиётларда “Ворисийлик” ва “маданий мерос” тушунчаларини фарқлаш ҳақидаги масала

ҳали тўғри ҳал қилинмаган. Бугунда ворисийлик сўзи ҳуқуқий масалаларга кўпроқ даҳлдор деб қаралиб, “ворислик” термини остида талқин қилинмоқда.

Мутахасислар фикрича, “ворисийлик” ёки “маданий мерос” тушунчалари бир маъно англатувчи атамадир. Бизнингча, ўтмишдан мерос олиш ёки ворисийлик ўз маъноларига эга бўлиб, ворисийлик нисбатан кенгроқ тушунчадир. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, янги авлод тарихий давр маданияти ўтган тарихий даврлар маданияти билан ворисийлик асосида боғланади. Бу билан ўтган авлодлар маданиятида яратилган барча нарсалар янги тарихий давр маданиятида мерос қилиб олиш манбаси деган маънони билдирмайди. Ёки, зарурат туғилганда аجدодларига хосликни кўрсатиш учун маданиятларнинг акс этиши бу-мерос[4], кундалик турмушида доимий равишда аجدодларга хос маданиятлардан фойдаланиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда кенг акс этиши – ворисийликдир.

Ворисийлик тушунчасини кенгроқ таърифлаш учун аввало “*маросим*”, “*анъана*” ва “*урф-одат*” тушунчаларининг таърифини билиш зарур. Лекин, афсуслар билан айтиш жоизки, ҳали хануз этнология, маданиятшунослик, фольклоршунослик ва халқ турмуш тарзи билан шуғулланувчи фанлар доирасида юқоридаги терминларнинг таърифи ва тавсифи ҳамда фарқли хусусиятлари борасида мукамал назарий-метадологик қарашлар ишлаб чиқилмаган.[5] Кўпчилик томондан эътироф этилаётган таърифларга кўра, “маросим” – инсон ҳаётининг, моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди [6]. “Анъана” – тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида тарзида кишилар онгига сингган, қабул

қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади.[7] Анъаналарни: а) ижтимоий-тарихий ҳодиса; б) жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони; г) жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин.[8] Айниқса, улар инсон ҳаётининг бурилиш нуқталарида, кўпинча, ана шу нуқталарни қайд этиш, қонунлаштириш талаби билан туғилади. [9] “Урф-одат” кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддат такрорланиб турувчи ҳатти ҳаракатлар, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидалари кўникмасидир.[10] Урф-одатларни анъаналар дейиш мумкин, лекин ҳамма урф-одатлар ҳам анъаналар бўла олмайди.[11] Анъаналар, урф-одатлар аҳолининг ижтимоий психологиясига узлуксиз таъсир кўрсатиб турувчи асосий омиллардан бири бўлиб, етарли баҳо бермаслик кўпол хато ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда уларга нисбатан ёшлар томонидан ўтмиш сарқитлари сифатида қараш, ташаббускорликка мутлоқо қарама-қарши, деб ҳисобловчилар фикрига кўшилиб бўлмайди. Биргина одатларимизда ота-она олдида ўз фарзандига эркалаб мурожаат қилишнинг уят саналганлиги, бугунги кунда унга сарқит сифатида эмас, балки ота-онага бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг белгиси сифатида бўлганлигини эътироф этишни таълаб этади. Шундай экан мулоқот маданиятидаги локал хусусиятларни, узок тарихга хослигини ва трансформациялашув жараёнларини ўзбекларга хос *маросимлар, урф-одат* ҳамда *анъаналарда* кузатиш мумкин.

Уччала терминда ҳам маълум бир тарихий босқичлар асосида шаклланган ҳатти-ҳаракатлар назарда тутилсада, замонавий этнологияда бу тушунчалар янада аниқликни талаб этади. Сабаби, XX аср ўрталарига қадар маълум бир этносга хос урф-одат ҳамда анъаналардаги йўқотишлар, ўзгаришлар ва новациялар шу халқнинг ички ижтимоий муносабатларидан ёйинки қўшни ўлка халқлари таъсири ёки ўзаро муносабатлари асосида кечган бўлса, бугун бу жараёнлар глобаллашув ибораси билан изоҳланмоқда.

Тараққиёт ўтмишдан бугунга ва бугундан келажакка қараб борар экан, жамиятда, бир томондан, ўтган авлодлар тажрибасида жамланган анъаналар яшайди ва бошқа томондан эса бугунги кун тажрибасининг квинтэссенциясини [12] ташкил қилувчи янги анъаналар пайдо бўлади. Бу эса кўпроқ инсонлар ўртасидаги мулоқот маданиятларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Маълумки, ҳар бир давр маданияти шу даврга, халққа хос бўлган хусусиятга эга бўлади. Унинг тараққиёти жамият ривожини билан бевосита боғлиқдир. Алоҳида олинган ҳар бир халқнинг маданияти ўзига хослиги, қадимийлигини инкор қилмаган ҳолда шуни айтиш керакки, баъзи ҳолларда у кўп қирралиги, зиддиятчилигига қарамай, жаҳон маданиятида бутун инсониятнинг ютуғига айланиб, ягоналигича қолади. Бу ҳолни Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари, жумладан Мовороуннаҳр халқлари маданияти тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Икки аср аввал ҳеч ким ҳозир одатий ҳисобланадиган дунёга кенг қараш имкониятига эга эмас эди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги жарлик шунчалик катта эдики, улардан ҳар бири бошқаси тўғрисида энг фантастик тасаввурларга эга эди. [13] Глобаллашув жараёни маданиятларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойишига имконият яратди. Жумладан, ҳар бир инсоний маданиятлар учун тил муҳим атрибутлардан бири эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди, гарчи дунёда одамлар минглаб тилларда сўзлашса ҳам. БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) нинг маълумотига кўра, дунёда 2796 та тиллар мавжуддир. Улар орасида жаҳон тилларига айланаётганлар сони ортиб бормоқда. Дунё аҳолисининг 51,3 фоизи инглиз тилида гаплаша олиши [14], ўз вақтида шу тилнинг асосчиларига хос маданиятларининг ҳам кенг тарқалишига олиб келмоқда. Глобаллашув жараёнида халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий яқилашуви, ҳамда алоқаларидан миллий тиллардаги сўз бойликларининг ошиши, кичик маҳаллий тилларнинг йўқолиб бориши ва янгича кўринишдаги тилларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Масалан,

Африкадаги *гоундо тилида* ёки Шимолий Америкадаги *кагуила* тилида бугун юзга яқин одамгина гаплашмоқда ва ўз ўрнини хориж тилларига бўшатиб бермоқда. Албатта, бунинг сабаблари кўп, лекин масаланинг иккинчи томони шундаки, ҳар бир халқда этник жараёнлар билан бир каторда, ўзаро инсонлар муносабатларида ўзига хослигини акс эттирувчи миллий мулоқот этикетлари ҳам шаклланган. Бунга асосан инсонлар ўзини ўзаро тушунишда намоён бўлувчи ҳатти-ҳаракатлар, одоб–ахлоқ нормалари ва турли воситалар орқали кечувчи ёндашувлар, муносабатларни тушунамиз. Мулоқот фақат сўзлардан иборат бўлмасдан, маъно ташувчи белгиларга ҳам эгадир. Яъни, тана-қўл ҳаракатлари, кийиниш, овқатланиш, тақинчоқлар, совға-салом улашиш ва бошқалар.^[15] Биргина ёшлар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалган саломлашиш ва хайрлашиш вақтидаги айрим ҳатти – ҳаракатлар, жамоат жойларидаги ўзаро муносабатларидаги ёт одатларнинг кўзга ташланиши ворисийлик нуқтаи назаридан кишини ташвишга солиши табиий. Шундай экан, мулоқот маданиятимизга ворисийлик асосида эътиборнинг ортиши, ҳозирда кузатилаётган турли мулоқот жараёнидаги одатларга нисбатан ҳайратланишларнинг олдини олишга имкон беради.

Тил билиш – эл билиш, ўз имкониятлар доирасини кўрсата олиш ва орттириш ҳамда дунёда ўзига хос ўрнини эгаллаш шартларидан биридир. Давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ёшлар ўртасидаги хорижий тилларни ўрганишга бўлган бугунги қўллаб-қувватлаш ва унинг жамиятимиз ривожига амалий аҳамиятга эга эканлиги кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазавор бўлмоқда. Бу келажакда мулоқот маданиятимизга хориж одатларини кериб келишига олиб келади деган маънони англатиши керак эмас. Миллий мафкурамизда илгари сурилаётган “Шарқона маданият” ёки “Шарқона демократия” ғоялари замирида ҳам шу каби масалаларнинг ечими ётади.

Чет тили сўзларининг ўзбек тилларда пайдо бўлиши ҳақида бугун филологларнинг илмий қарашлари мавжуд бўлиб, уларга нисбатан маълум қонуниятлар асосида “*чет элдан кириб келган сўзлар*” ибораси қўлланилмоқда. Бу тилнинг таркибий қисмини ўрганишда асос ва ҳулосавий

фикрлардан бири бўлмоқда. Аммо, мулоқот этикетларидаги трансформациялашув жараёнига бир қарашнинг ўзи ератли бўлмайди, чунки улар инсонларнинг кундалик турмуш тарзида, турли одат ва маросимларида, ижтимоий ҳаёт ва хўжалик муносабатларида кенг ўрин эгаллаганлиги билан ажралиб туради. Бу масалани ўрганиш фаннинг бир неча соҳалар: этнология, этнография, этносоциология, этнопсихология, ижтимоий антропология каби фанларининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Мулоқотга асос бўлувчи умумий манфаатлар тўғри англанилса кўпинча самарали характер касб этади. Унинг самарали бўлиши инсонларнинг маънавий даражаси, такомиллашиш хусусиятлари, мулоқотнинг давомийлиги ва бошқа жиҳатларига боғлиқдир. Ҳар қандай мулоқотнинг маълум бир маънавий оқибатлари бўлганидек, унинг ўзига хос тарихи ҳам бордир.

Оила аъзолари, қўни-қўшнилар ва маҳалла ҳаётида, тўй ва мотам маросимларида инсонлар ўртасида кечувчи мулоқот жараёнлари кузатилганда ўзбекларга хос урф-одат ва анъаналар кўзга ташланадики, бу ўзгача минталитетни намоён этади. Жумладан, тўй маросимларда, меҳмондорчилик каби урф-одатлардаги инсонларнинг ўзаро бир-бирлари билан бўладиган самимий муносабатлари мулоқот маданиятидаги қадимдан бўлган ворисий ёндашишнинг намунасидир. Бу ўз-ўзидан тадқиқотчиларни мулоқот маданияти тарихини ўрганишга жалб этади.

Мулоқот этикетларига ворисийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса, турли ёд ғояларнинг юртимизга, айниқса ёшлар орасида кенг тарқалишига, уларнинг одоб-ахлоқ муносабатларига, миллий тарбиямиздаги анъаналар ва урф-одатларга салбий таъсир ўтказиши мумкин. И.Каримов таъбири билан айтганда, “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса энг долзарб масалалар ўзи бўларчилиқка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”.[16] Юртимизда миллий мустақиллик қўлга киритилгач халқимиз тарихи ва юксак

маънавияти ва миллий анъаналарини қайта тиклашнинг муаззам қатламлари очилди. Бу эса таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда асосий дастур амал бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, ўтмиш аجدодларимиз яратиб, узоқ йиллар давомида сайқалланиб келган, халқимизнинг ўзига хослигини англатувчи ўзаро сўзлашув маданиятини тадбиқ этиш, уларга ворисийлик талабида асосида эътиборнинг ошиши ёшларда ўзликни англаш, мустаҳкам эътиқодга ва нуқтаи назарга эга бўлиш, ўз миллий қадриятларига садоқат руҳида тарбияланишга ва бутун инсоният истиқболи олдидаги ахлоқий маъсулиятни хис қилишга ёрдам беради.

Келтирилган иқтибослар:

1. Э.А.Баллер. Преемственность в развитии культуры. Москва, Наука. 1969. С.15
2. Стернин А.О. Методологические вопросы общественной науки. Воронеж, 1960. С.103
3. Чалоян В.К. “Восток – Запад ” Преемственность в философии античного и средневекового общества. Москва, Наука. 1979. С.21
4. Масалан: маросимлар ёки расмий тадбирларда миллий либосларни кўзга ташланиши.
5. Аширов А.А. Ўзбек халқи этнологиясида терминология муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, Фан. 2010. 20-бет.
6. Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори, очерклар. Тошкент, Фан. 1988. 1-том, 152-бет.
7. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент, Шарқ. 2002. 8-бет.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2005. 1-том, 375-бет.
9. Суханов И.В. Обычаи, традиции и преемственность по поколений. Москва, 1976. С.39
10. Аширов А.А. Ўша жойда. 20-бет.
11. Чотанов А.О. О Ноциональнкх традициях народов Средней Азии. Фрунзе, 1964. С.15
12. Квинтэссенция- (лотинча “quinta essentia” — бешинчи кашфиёт) – энг,энг асосий, асл маъно, моҳият.
13. Энтони Гидденс. Социология. Тошкент. Шарқ. 2002й. 51 бет.
14. <http://teach-learn.narod.ru/dgr.gif>, <http://rusскиyjazik.ru/478/>
15. Бу ҳақда қаранг. Leach Edmund. Culture and Communication: The Logic by Wich symbols are Connected. Cambridge. 1976.
16. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”. 2008. 116-бет.

РЕЗЮМЕ

Нарзиев Набижон

Некоторые соображения о роли преемственности в культуре общения узбеков.

В данной статье на основе научной литературы и полевых материалов приводятся сведения о понятии «преемственность» и раскрывается ее роль в общественной жизни узбекского народа. Автор делая ударение на вопрос о справедливости преемственного подхода каждого народа на сегодняшний день к своей культуре, анализирует факторы, оказывающие влияние на данный процесс.

SUMMARY

Narziev Nabijon

Some considerations about the role of continuity in the culture of communication of Uzbeks.

In this article on the basis of literature and field materials is described general information about the term of “continuity” and its role in social life of Uzbeks. The author is paid more attention to the question on justice of successive approach of every nation to own culture in contemporary period. He also analyzed factors, which influenced this process.

ЎзМУ хабарлари. 2013 йил. Махсус сон.